*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил **17 апрель** ЧОРШАНБА **№ 32** (12564)

**www.th.uz**

**1928 йил 11 декабрда асос солинган**

Сўз – халқаро конференция иштирокчиларига




TOSHKENT
16-17 APREL 2013

## НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда элликка яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва эксперт иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари хорижлик меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.**






**Ҳуссайн Ҳасан ҲУССАЙН, "Ал-Файсал" журнали бош муҳаррири (Саудия Арабистони):**

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Тасаввуримдаги билан бугунги кўрганларим ўртасида улкан фарқ бор. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси бетакрордир.

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани "Обод турмуш" маҳалласида барпо этилган замонавий уй-жойларни кўриб, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатингизда қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳли учун қулайлиги бўйича шаҳарникидан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Айтиш жоизки, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган якка тартибдаги бундай уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади. Мамлакатингизда илғор архитектура услубида қурилган ана шундай замонавий уйлардан иборат, қишлоқ инфратузилмасини ҳосил қилувчи кўча ва йўллар, газ, электр, шунингдек, суғориш тармоқларига эга янги массивлар кўпайиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Шинам, барча қулайликка эга бундай замонавий уйларни сотиб олиш учун фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратиш механизми яратилгани ҳам Ўзбекистонда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлардандир. Имтиёзли кредит бўйича қарзни қоплаш даври 15 йил этиб белгиланганi намунавий лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жойларга аҳолининг қизиқишини янада оширишга, кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида бундай лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги тажрибасидан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

(Давоми 2-бетда).

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXV СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXV сессияси 2013 йил 19 апрель куни соат 11.00 да вилоят ҳокимлиги мажлислар залида чақирилсин:

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 15 апрель.

Халқаро оламни асраш куни олдидан

## СУВ ВА ҲАВО ҲАМ НОНДЕК МУҚАДДАС

**Ҳар йили 22 апрелда Халқаро оламни асраш куни нишонланади. Аслида биз инсонлар табиатнинг бир бўлагимиз. Шунинг учун бўлса керак ўзимизни табиатдан айро тасаввур эта олмаймиз. Шунга қарамай, асримизнинг шиддатли измида туриб, баъзида табиатга қарши борамиз. Ҳали-ҳамон яхши эслайман, болалигимда 90 ёшдан ошган нуроний қўшнимиз бўларди. Отахон жуда тетик ва соғлом эдилар. Доимо чўнтакларига туршак, жийда ва майиз солиб юрардилар. Баъзи-баъзида бу неъматлардан бизга ҳам улашардилар ва: "Мана шу мевалардан доимо еб юрсангиз, ҳеч қачон касал бўлмайсиз", деб таъкидлардилар.**

Ҳозир ўйлаб кўрсам, ўша бобонинг улуғ ёшга кириб ҳам тетик юришига тоза ҳаводан баҳра олиб етилган мевалар сабаб экан. Кишилик жамияти ривожланиб боргани сари, Она табиатга бўлган меҳр бир мунча пасайгандек туюлади. Ваҳоланки, табиатсиз биз ҳеч ким эмасмиз. Инсон ўзи учун сунъий яшаш муҳитини яратди, бу билан у табиий муҳит мувозанатини бузди, пировард натижада табиий ва сунъий муҳит ўртасида кескин зиддият келиб чиқди. Инсоният ҳаёт фаолиятининг табиий негизларига анча путур етказди, жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро боғлиқликка раҳна солди.

Инсон ҳеч қачон табиатдан бунчалик кўп неъмат ундириб олмаган ва ҳеч қачон ўзи бунёд этган қудрат олдида ўзини бунчалик ожиз сезмаган. Соғлиқни сақлаш мутахассисларининг фикрича, инсон ҳаётининг бошланиш даврида ҳаво орқали танада тўпланган кимёвий моддалар, қаттиқ заррачалар келажакда астма касаллигига чалинишига сабаб бўлар экан. Бундан ташқари, зарарли кимёвий моддалар инсон танасида гормонал тамойилни бузади, эндокрин ва саратон касалликларини келтириб чиқаради. Тухумдон ва кўкракда саратон касаллиги юзага келади. Буларнинг ҳаммаси турли зарарли ва заҳарли моддалар билан табиатнинг ҳаддан зиёд ифлосланиши оқибатида юзага келган ва келмоқда.

Табиий муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилаш, касалликларни камайтириш, инсонлар умрини узайтириш каби муаммоларни маҳаллий, давлатлараро ва халқаро ҳамкорликда очиқ ҳамда тўғри ахборотлар алмашиш, уларни одилона таҳлил қилиш асосида ҳал этиш мумкин.

Табиий муҳитда сувнинг айланиши унинг захирасини доимий таъминлаб туради. Ер юзидаги ҳаёт сувга ва унинг доимий борлигига боғлиқ. Минг йиллар олдин ўтган аждодларимиз давридагига нисбатан ҳозирги кунда сув кўпроқ ишлатилади ва унинг сифати ўзгарди. Биз нонни муқаддас санаймиз. Худди шу нондек сув ҳам аслида муқаддас. Бугун ариқларда тўлиб оқаётган сувнинг ичишга яроқсизлиги, қолаверса, сувга нисбатан лоқайдлигимиз қачондир кўнглимизни армонга чўктирмасмикин? Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, жамики касалликларнинг 85 фоизи – бевосита сув билан боғлиқ. Ҳар йили 25 миллион киши айнан шундай хасталиклар билан вафот этади.

Киши умри давомида ўртача 75 тонна сув истеъмол қилади. Катта ёшдаги киши жисмининг 70 фоизини, олти ҳафталик эмбрионнинг 97,5 фоизини, энди туғилган чақалоқнинг эса 70-83 фоизини сув ташкил этади.

Катта ёшдаги киши бир кеча-кундузда ўртача 2,5 литр сув истеъмол қилади. Шундан 1,2 литри – ичимлик сувига тўғри келади, 1 литри турли овқатлар орқали қабул қилинади, 0,3 литри организмда модда алмашинуви жараёнида пайдо бўлади. Сайёрамизнинг 79 фоизи сув билан қопланган бўлса ҳам, унинг атиги 6 фоизигина – чучук сув. Шу чучук сувнинг бор-йўғи 2,5 фоизи истеъмол учун яроқли. Лекин шунинг ҳам 70 фоизи табиатда муз ҳолда учрайди. Ҳозирги кунда дунё бўйича ҳар 6 кишидан бири – тоза ичимлик сувига зор. Шундай экан ҳар биримиз сувни қадрлаш, исроф ва ифлос қилмасликка одатланишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

## ЭНГ ЁШ ТАДБИРКОР

**2012 йили касб-ҳунар коллежларини тугатган 10 мингдан ортиқ йигит-қиз ЎзЛиДеП ташкил этган "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасида иштирок этиб, ўз соҳалари бўйича иш билан таъминланди.**

Олмалиқ кончилик касб-ҳунар коллежи 2-курс талабаси Ситора Ҳафизова эса ўқишни тугатмасиданоқ ушбу акция туфайли ўз бизнесини бошлади. Асосан халқ амалий ҳунармандчилиги йўналиши, яъни каштачилик, кийим-кечак тикишни йўлга қўйди.

Ситора яқинда Олмалиқ шаҳри миқёсида ўтказилган "Ташаббус – 2013" кўрик-танловида иштирок этиб 2-ўринни эгаллади. Бугун Ситора Олмалиқнинг энг ёш тадбиркори сифатида тилга олинмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Семинар

## МАҚСАД – ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

**Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, раҳбар ходимлар ўртасида молиявий жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида шаҳар ва туманларда семинарлар ўтказишни режалаштирган.**

Дастлабкилари Зангиота, Қибрай, Оҳангарон, Бўстонлиқ туманларида, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтди. Семинарга соғлиқни сақлаш ва тиббиёт бўлимлари, ҚВП мудирлари, ўқув-таълим муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари таклиф этилди. Шаҳар, туман прокурорлари, вилоят молия бошқармаси масъул ходимларининг давлат муассасаларида йўл қўйилаётган молиявий хатоликлар сабаблари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида келиб чиқадиган жиноятлар оқибатлари ҳақидаги маърузалари тингланди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

Оҳангарон тумани ҳокимлиги диққатига

## «ТУЗАЛИШ ЎРНИГА КАСАЛ БЎЛАСИЗ»

**Таҳририят Оҳангарон тумани Телов қишлоғи аҳолиси номидан ёзилган шикоят хати олди. Уни деярли таҳрирсиз эълон қилмоқдамиз.**

"Биз Оҳангарон тумани Телов қишлоғидаги 1694 та хонадон, 5694 фуқаро номидан мазкур хатни йўлламоқдамиз.

Телов қишлоқ врачлик пункти биносининг ачинарли аҳволи бизни кўп йиллардан бери ташвишга солиб келмоқда (бинонинг бугунги аҳволини хатга илова қилаётган фотосуратлардан билиб олишингиз мумкин).

ҚВП биноси қишлоғимиз қарияларининг айтишларига қараганда, 1928-29-йилларда қурилган экан. Ҳовлига киришингиз билан бинонинг чириб, тўкилай деб турган том қисмларию нураб, чўкиб кетган деворларига кўзингиз тушади. Ички ҳолати ҳақида эса умуман гапиришнинг ҳожати йўқ. Чунки, кириш даҳлизидан тортиб, барча хоналарнинг том қисмлари тешилган, қор, ёмғир сувларини ўтказиб юборади. Ташқари ҳовли атрофидаги деворлар йиқилиб кетгудек қийшайган ҳолатга келган.

ҚВП мудираси билан суҳбатлашганимизда, замонавий тиббий жиҳозлар келтирилган, лекин сув йўқлиги ва бинода шарт-шароитлар етишмаслиги боис ёнғин хавфсизлиги ходимлари рухсат беришмагани учун уларни ўрнатиш имкони йўқлигини айтди.

Бинонинг тўкилиб, нураб бораётгани сабабли тиббий ходимлар ҳовлидаги ёғочдан ишланган (панелли) бинога кўчиб олишган, аммо бу ердаги шароит ҳам ёнидаги биноникидан қолишмайди. Бино ичига газ киритилмагани учун қиш мавсумида чўян печлар ўрнатилар экан, у печлардан чиқаётган ис газидан нафақат бу ерга нажот истаб келаётган беморлар, балки соғлом одамнинг ҳам касал бўлиши турган гап.

ҚВП ҳудудида узоқ йиллардан бери ичимлик суви йўқ, ахир тиббиёт учун сув зарур эмасми?

ҚВП шифокорининг айтишича, ўтган йили 550 метр масофадан сув тортиб келиш учун ходимлар ҳомийлигида қувур ётқизилганига қарамай, сув чиқмаган. Оҳангарон туман "Сувоқава" бирлашмасига мурожаат қилингани билан ҳеч қандай натижа бўлмаган. Ҳозирги хизмат кўрсатилаётган бинога қиш кунлари кириб қолсангиз, томлардан ўтаётган чакка остида қоласиз.

Биз ногиронлар тиббий муолажа олиш учун бу муассасага соғлом одамларга қараганда, кўпроқ мурожаат қиламиз, қиш фаслида печлардан чиқаётган ис газидан заҳарланиш ҳеч гап эмас-ку?

Биз қишлоқ фуқаролари, ногиронлар кўп марта маҳаллий идоралар, туман ҳокимлигига мурожаат билан чиқишимизга қарамай, арзимизни тинглаш у ёқда турсин, ҳаттоки ёзган хатларимизга лоақал жавоб ҳам ололмадик.

Юртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасига берилаётган эътиборни ойнаи жаҳон орқали кўриб, тинглаймиз, оммавий ахборот воситалари орқали республикамизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилаётганини, уларда яратилаётган қулайликларни билиб борамиз, аммо бу янгиланишларни кўрган сайин, эшитган сайин ҳудудимиздаги ҚВПнинг аянчли аҳволи кўз олдимизга келади-ю, ўз-ўзимизга савол берамиз: "Бизда ҳам замонавий ҚВП қад кўтарармикан?"

**Г. МИРЗАЁРОВА,**
**А. АБДУВАЛИЕВ,**
**(жами 51 та имзо).**

Сўз – халқаро конференция иштирокчиларига

TOSHKENT
16-17 APREL 2013

# НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Лау Лок КУЕН, "QAF Brunei" сармоявий ва консалтинг компанияси ижрочи директори (Бруней):**

– Мамлакатингизнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уйларнинг банклар томонидан ажратиладиган кредит ҳисобига сотиб олиш имконияти яратилгани аҳоли учун жуда катта ёрдамдир. Фуқаролар учун уй-жой таъминоти масаласида яратилган бундай кенг қулайликлар дунё мамлакатларида жуда кам учрайди. Кўплаб давлатларда кўпчилик аҳоли узоқ йиллар давомида ижара уйларда яшашга мажбур.

Ўзбекистонда қурилаётган уйларнинг лойиҳаси менда катта таассурот қолдирди. Улар мустаҳкам пойдевор устида кенг, ёруғ ва замонавий услубда қурилгани, барча маиший қулайликларга, машина учун гаражга, ер майдонига эга эканини, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланганини кўриб, Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат аҳолисининг фаровон ва гўзал ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни ишга солаётганига тасаннолар айтдим. Ушбу ҳудудларда нафақат уйлар, балки кўплаб супермаркетлар ва дўконлар қурилгани маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент шаҳрини сайр қилиш, Мустақиллик майдонини, музей ва галереяларни томоша қилиш имконига эга бўлдим. Бу жараёнда Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги салоҳияти ҳам жуда юқори эканига ишонч ҳосил қилдим.

**Сукхиндер Сингҳ ЖОҲАЛ, Қишлоқ ва саноатни ривожлантириш тадқиқот марказининг лойиҳа раҳбари (Ҳиндистон):**

– Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Обод турмуш" маҳалласида бўлиб, Ўзбекистонда нафақат шаҳарларни, балки чекка ҳудудларни ҳам ободонлаштириш, бундай жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишлар билан яқиндан танишдим. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда барча имкониятга эга ана шундай якка тартибдаги замонавий уйларнинг 15 йил муддат билан кредитга берилаётгани таҳсинга сазовордир. Халқаро конференцияга турли мамлакатлардан келган экспертлар, соҳа мутахассислари уй-жой харид қилиш бўйича юртингизда фуқаролар учун яратилган имтиёзлар билан танишиб, ҳайратланмоқда.

**Масъуда Алам ҚУРБОН хоним, Саудия Арабистони илмий ва академик доиралар вакили, Саудия Подшоҳи университети педагогика факультети вакили (Саудия Арабистони):**

– Мазкур халқаро конференция доирасида мамлакатингизнинг чекка қишлоқларида барпо этилган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларни бориб кўриш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Бу уй-жойлар халқингизнинг миллий ҳаёт тарзи, мамлакатингизнинг табиий ва иқлим шароитига мос, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда барпо этилаётир.





Хусусан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этилган уй-жойлар билан танишиш, уй эгалари билан ҳам суҳбатлашиш имконига эга бўлдик. Қишлоқ аҳолисини янги уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган қулайликлардан аҳоли мамнун. Бу қувонч ва мамнунлик уларнинг юз-кўзида мужассам эди.

Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуини ҳам зиёрат қилдим. Бу ердаги ноёб обидалар менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, улуғ аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар таҳсинга сазовордир.

**Гаспар Ж.Льянес Диас САЛАЗАР, Андалусия ҳукуматининг иқтисодиёт бўйича котиби (Испания):**

– Улкан қурилиш майдонига айланган Ўзбекистонда замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уйлар ўзига хос меъморий ечими ва юксак сифати билан ажралиб туради. Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Гулбоғ" массивида бўлиб, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида қурилаётган янги уй-жойлар лойиҳалари ғоят пишиқ ва пухта яратилганига ишонч ҳосил қилдим. Лойиҳаларда оиладаги барча аъзоларнинг эҳтиёжи инобатга олинган. Ушбу янги массивда уй-жойлар билан бирга мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пункти, маҳалла идораси барпо этилган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, минимаркетлар фаолияти йўлга қўйилган. Кенг, ёруғ ва файзли кўчалар, ҳовлиларда яшнаб турган турли дарахтлар, гуллар баҳри дилингни очади. Мамлакатингиздаги ободлик ва фаровонликни ҳар бир хонадон мисолида кўриш мумкин. Масалага бундай атрофлича ёндашув аҳолига кенг қулайликлар яратиши билан бирга ҳудудларни комплекс ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.



**Эндрю ХНГ, "Tiong Seng Contractors Pte Ltd" компанияси директори (Сингапур):**

– Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасида аҳоли фаровонлиги йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Бевосита ўзим кўрган жойлардан олган таассуротларим бунинг далилидир. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани улкан ютуқдир. Янги уйлар замонавий лойиҳалар асосида барпо этилаётгани, айниқса, аёллар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга лойиқ. Дунё кезиб, кўплаб мамлакатларда турли соҳаларда амалга оширилаётган дастурлар билан танишман. Лекин бундай катта кўлам ва ҳажмдаги лойиҳани ҳеч қайси давлатда кўрмаган эдим. Қишлоқ аҳолисига бундай қулай шароитлар яратилгани шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги чегараларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.



**Александр Сефре ЗАНД, "Sefre Architects Research Group" компанияси бош ижрочи директори, Буюк Британия архитекторлари Қироллик институти аъзоси (Буюк Британия):**

– Халқаро конференция доирасида Зангиота туманидаги "Обод турмуш" маҳалласида бунёд этилган уй-жойларда яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Касбим архитектор бўлгани учун уй-жой ва инфратузилма объектлари лойиҳаси, хоналарнинг жойлашуви ва кенглиги, деворларнинг баландлиги эътиборимни тортди. Яшаш учун катта қулайлик ва имкониятлар муҳайё этилган. Яна бир муҳим жиҳат: бу уйлар узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредити асосида берилаётганидир. Нархи ҳам арзон.

**Аҳмад Асрий Абдул ҲАМИД, Саноат қурилишини ривожлантириш кенгаши бош менежери (Малайзия):**

– Ўзбекистон барча соҳани уйғун ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Буни ижтимоий соҳа, жумладан, қишлоқ аҳолиси ҳаёти сифатини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга қаратилаётган катта эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин. Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги "Дўстлик" массивида барпо этилган янги уйларни бориб кўрганимизда шунга ишонч ҳосил қилдик. Қишлоқ аҳолисининг барча қулайликка эга замонавий уйларда истиқомат қилаётгани қувонарли ҳол. Хонадонлар мамлакатингизда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган мебель ва маиший техника билан жиҳозланган. Бу Ўзбекистон барча соҳада анча илгарилаб кетганини яққол намоён этади.

**Лютгарт ДУСАР, "Living Stone" маркази лойиҳа менежери (Бельгия):**

– Пискент туманидаги "Дўстлик" массивида барпо этилган замонавий уйлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Боиси, замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича мутахассис сифатида кўплаб мамлакатларда бўлганман, аммо ҳеч қайси давлатда бу масалага Ўзбекистондаги каби ҳар томонлама чуқур ёндашилмайди. Мамлакатингизда қишлоқ массивларида замонавий уй-жойлар барпо этилиши билан бирга таълим, тиббиёт, спорт объектлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани менда ҳавас уйғотди. Мазкур массивда ташкил этилган мини-банк аҳолига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун минимал фоиз ставкалари бўйича кредитлар бераётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

**ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА, Сайёра ШОЕВА, Меҳрибон МАМЕТОВА, Холмурод САЛИМОВ ёзиб олди.**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# СУВ ВА ҲАВО ҲАМ НОНДЕК МУҚАДДАС

Сув, замин, қуёш ва ҳаво ҳаёт манбаидир. Ҳаётнинг гўзаллиги табиатнинг тозалиги билан чамбарчас боғлиқдир. Сув инсон ҳаёти учун нақадар зарур бўлса, ҳаво ҳам тириклик учун шу қадар зарурдир. Одам овқат емай, беш ҳафтагача, сувсиз беш кунгача чидаши мумкин, ҳавосиз эса, кўпи билан беш дақиқага чидайди, холос. Аммо, одамнинг рисоладагидек яшаши учун ҳавонинг ўзигина етарли эмас, у маълум таркибга эга бўлиши, тоза ҳолатда сақланиши зарур.

Далаларга ўт қўйиш, ҳар хил чиқиндиларни ёқиш, битумни махсус қурилмаларсиз очиқ алангалатиб эритиш каби хатти-ҳаракатимиз туфайли ўзимиз нафас оладиган ҳавони ифлослантирамиз. Натижада сурункали ва аллергик касалликлар авж олишига ва охир-оқибат инсон генофондига салбий таъсири кучайишига, бой табиатимизни қашшоқлаштириб, атроф-муҳит манзарасининг кўримсиз ҳолатга тушишига сабаб бўлмоқдамиз. Тасаввур қилинг, бир гектар майдонда бошоқли дон пояси ёқилганда атмосфера ҳавосига 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углеводород, 3 кг. кул, 20 кг. ис гази ва углерод оксиди (CO) гази чиқарилади. Тупроқ таркиби бузилиб, эрозия кучаяди ва натижада ҳосилдорлик пасаяди.

Бир тонна хазон ёқилганда, атмосфера ҳавосига 30 кг. углерод оксиди тарқалади. Битум ёқилганда, ундан ажралиб чиққан қурум сил ва саратон касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Демакки, биз ўз қўлимиз билан нафақат табиатга, балки ўз умримизга, соғлиғимизга суиқасд қилаяпмиз.

Шу сабабли, мустақиллик йилларида Она табиат муҳофазаси, экологияни асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Олдимизда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифаси кескин бўлиб турибди. Биз табиат мусаффолиги учун авлодлар олдида, тарих олдида жавобгармиз. Бунинг учун ҳали кўп камчиликларни бартараф этиш, кўпдан-кўп моддий ва маънавий бойликларни янгидан яратиш керак бўлади. Бу ишларнинг барчасини эртага қолдирмай, ҳозирнинг ўзида ҳал этиш лозим. Бу инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларига тааллуқлидир.

**Насима АҲМЕДОВА, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси илмий-техник тараққиёт, тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соғлом авлод учун

**Президентимиз Фармонига мувофиқ ташкил этилган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бу йил ўзининг 20-бекатига қадам қўйди. Ҳар бир йилнинг пештоқига ёрқин ҳарфларда битилган эзгуликлар авлодларимиз, фарзандларимиз келажагини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.**

# ИНСОН ОМИЛИ – УСТУВОР

Жамғарманинг вилоят минтақавий филиали соғлом авлод учун айтишга арзигулик ишларни амалга оширди. Жумладан, ўтган йиллар давомида вилоятнинг 201 мингдан зиёд аҳолиси тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур дори-дармонлар билан таъминланди, уларга малакали шифокорлар хизмат кўрсатди. 20 бемор бола Германияда жарроҳлик йўли билан даволаниб қайтди. 389 ортопедик ва лаб-танглай нуқсонлари бўлган болалар ҳам Педиатрия институти ҳамда А. Қурбонов номидаги асаб касалликлари шифохонасида жарроҳлик усули билан даволанди. Ёш авлодга, оналарга, ўсмир ёшларга кўрсатилаётган беғараз ёрдамлар, албатта "Соғлом авлод учун" жамғармасининг мақсадли фаолияти.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Олмалиқ шаҳрида жамғарманинг 20 йиллиги кенг нишонланди. "Соғлом авлод – миллат келажаги" мавзуидаги анжуманда вилоятнинг жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол иштирок этди. Анжуманни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева очиб, жумладан шундай деди:

– Мамлакатимизда инсон омили доимо устувор. Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар унинг манфаатларига йўналтирилган. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят минтақавий филиали шу маънода авлодлар, фарзандлар соғломлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Анжуман олдидан уюштирилган болалар бадиий асарлари ва қўл ишлари кўргазмаси, "Санъат ғунчалари", "Наврўз садолари" танлови ва фестиваллари лауреатлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг концерт дастури, ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, чақноқ кўзлар, шахдам қадамлар ўсиб келаётган соғлом, бақувват ёш авлоднинг эртанги куни порлоқ бўлишидан дарак. Тадбирда олдинда ҳали қилинажак ишлар ҳам кўп экани алоҳида таъкидланди.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг чақириққача тайёргарлик ёшидаги ўқувчиларини Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари сафларида хизмат қилиш, ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун руҳан ва жисмонан тайёрлаш, ёш авлодда давлат чегараларининг дахлсизлигини, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш учун масъулиятни кучайтириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида "Ёш чегарачилар" ҳарбий ватанпарварлик мусобақалари ўтказилмоқда.**

# ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида мусобақанинг вилоят финал босқичида Бекобод тумани "Қалқон", Оҳангарон тумани "Шерюрак", Бўстонлиқ тумани "Сарҳад", Зангиота тумани "Ўзбегим ўғлонлари", Янгийўл тумани "Жасорат", Бўка тумани "Қалдирғоч" жамоалари таркибидаги 60 нафар ёшлар иштирок этишди.

Мусобақада Бекобод туманининг "Қалқон" жамоаси биринчилардан бўлди. Иккинчи ўринни "Шерюрак", учинчи поғонани эса "Қалдирғоч" жамоалари қўлга киритди. Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Огоҳлик

# БИР БАЛОСИ БЎЛМАСА...

**Касб тақозоси билан тез-тез газета-журналларга мурожаат этиб тураман. Газеталардан бирида "Огоҳлик" рукни остида берилаётган мақолага кўзим тушиб қолди.**

Ҳақиқатан ҳам, тинч, осуда ҳаётимизни, мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон афкор оммаси олдида ошиб бораётган обрўси, нуфузини кўролмайдиган, жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни амалга оширишдек ёвуз ниятли ёт унсурлар, ғаламислар ҳам йўқ эмас орамизда. Айниқса, таъсирга осонгина берилувчи, ҳали оқ-қорани яхши ажратолмайдиган болалар, ўсмирлар онгини заҳарлаш мақсадида ялтироқ саробни тарғиб этувчи ҳар хил тўқима, уйдирмаларга тўла китоб ва варақаларни тутқазиб кетаётганлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Ёш ниҳолни эгиш осон бўлганидек, мактаб, коллеж ўқувчиларининг йўлларини пойлаб, пана-пастқам жойларда қабиҳ ниятларини амалга оширувчи бадхулқ кимсалардан огоҳ бўлиш, болаларни ёлғиз қўймаслик, бўш қолдирмаслик зарур. Ҳар бир бола учун аввало ота-она, қолаверса мактаб, коллеж ўқитувчилари жавобгар.

Истиқлол шарофати билан берилган эътиқод эркинлиги барча учун ноёб неъмат. Лекин ундан тўғри фойдаланиш, ёт ғояларга берилмасликни, ширин-ширин ваъдалар ортидаги жаҳолатни болаларга тушунтириш, тўғри йўлга бошлаш биз ўқитувчилар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Четдан келиб "яхшилик қиламан, ақл ўргатаман" деганларнинг нияти ҳамиша ҳам холис эмас. Бунинг ортида ўзга мақсад, ўзга манфаатлар борлигини унутмайлик.

**Наргиза НОРБОЕВА.**

**Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаши ўтказаётган мусобақалар оилани мустаҳкамлашга, ёшлар фаоллигини оширишга, турмушини яхшилашга қаратилмоқда.**

# «ВАТАНПАРВАР»: ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР

Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ота-онадан ажралган болаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қилинаётган хайрли ишлар алоҳида эътиборга молик. Ташкилот қошидаги ҳайдовчилик курсида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, ҳозирги кунда Бекобод саноат коллежида таҳсил олаётган Абдураҳмон Жўраев ташкилот ҳисобидан имтиёзли ўқитилаётган бўлса, кам таъминланган оила фарзанди Суҳроб Исроиловга ўқув қуроллари совға қилинди. Бундан ташқари, спорт-техника клуби жамоаси шаҳар "Экосан" жамғармасига, Ал-Хоразмий маҳалласига ҳамда ногиронлар жамиятига моддий ёрдам кўрсатди.

Ташкилот "Камолот тренинг" МЧЖ билан ҳамкорликда 16 ёшгача бўлган вояга етмаган болаларга йўл ҳаракати қоидалари, автомобиллар тузилиши, пневматик қуролдан ўқ отиш қоидаларини ўргатиб бораяпти.

Айни кунларда ташкилотнинг ўқув-моддий асосини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда яқинда янги компьютер синфи ташкил қилинди. Эндиликда таҳсил олувчиларга янги электрон дарсликлар ёрдамида машғулотлар олиб борилаяпти.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

# МАКТАБДА ОЧИҚ ДАРС

*Янгийўл туманидаги 68-умумтаълим мактабида вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида "Педагогик инновациялар ва уларни таълим жараёнига татбиқ этишда ўқитувчининг роли" мавзусида ноанъанавий семинар ташкил этилди. Тадбирда 65 ижодкор ўқитувчи иштирок этиб, барча йўналишдаги фанлардан очиқ дарсларни кузатишди. Семинар-тренинг иштирокчиларнинг кейинги ижодий изланишларида катта ёрдам бериши шубҳасиз.*



**СУРАТДА:** институтнинг педагогика, психология ва менежмент кафедраси катта ўқитувчиси Т. Мирусмонова (ўртада) семинар иштирокчилари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# РАИСЛАР АҲИЛ БЎЛСА...

**Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда муҳим ўрин тутувчи маҳалла институти фаолияти сўнгги йилларда ўзгача мазмун-моҳият касб этмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули" истиқлол йилларида одамларнинг дилидаги орзу армонларини юзага чиқарди. Шунинг учун ҳар бир фуқаро маҳалласини она юрт рамзи сифатида қадрлайди.**

Вилоятимизнинг энг катта туманларидан бири Қибрайда 2 та шаҳарча, 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 86 та маҳалла бор. 197 минг аҳолиси бўлган туманнинг "Маҳалла" хайрия жамоат фондига Раҳмат Толипов раислик қилади. Етарли ҳаёт тажрибаси унга ҳар қандай масалани пухта ўйлаб ҳал этиш имконини беради. Шунинг учун у ҳар бир маҳалла раисининг энг яқин маслаҳатчиси.

– Туманимиз аҳолиси кўп миллатли, – дейди у. – Қолаверса, ҳар бир оиланинг иссиқ-совуғи, пасту баланди бор. Маҳаллалар фаоллари эса улардан доимо хабардор. 50 та мактаб, 8 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей жамоалари билан яқин алоқа маҳаллалар ҳаётини аниқроқ тасаввур этиш имконини яратаяпти. Маҳалла раислари ва маслаҳатчиларининг ҳамкорликда иш олиб бориши яхши самара бераётир.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**



**СУРАТДА:** Раҳмат Толипов маҳалла раислари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Олов – тилсиз ёв

# ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

**Бино ва иншоотлар қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш каби қурилиш билан боғлиқ бошқа жараёнларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши шарт. Қурилишда ишлаётган ҳар бир ишчи ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиши ва уларга қатъий риоя қилиши керак.**



Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносида қурилиш ва реконструкция ишлари бормоқда. Бино ва қурилиш майдонида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғинга қарши чора-тадбирларга амал қилинишини қатъий назоратга олишган. Жумладан, баъзи ходимларнинг ишга совуққон ёндошиши оқибатида оловли ишлар (пайвандлаш) вақтида кераксиз қоғоз ва маиший чиқиндиларга тушган чўғдан ёнғин келиб чиқишининг олди олинди. Қурилиш ҳудудида вақтинча тортилган электр симлар эса қонунни четлаб ўтиб уланиши оқибатида қисқа туташув содир бўлди. Шуларни ҳисобга олиб, ишчи-хизматчи ва қурувчилар билан ёнғин хавфсизлиги мавзусида қатор учрашув ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадида ҳушёрликни кучайтирсак, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, "тилсиз ёв"ни жиловлаган, ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг ҳаёти, соғлиғи, халқимизнинг маъданий ва тарихий ёдгорликларини асрашга ва келажак авлодга етказишга ҳисса қўшган бўламиз.

**Дилшод ЗУФАРОВ, Жамолиддин САТТОРОВ, 12-ХЁХО 1-ХЁХ а/п инспекторлари.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## "Respublika Mulk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога такроран Янгийўл тумани СИБ томонидан, 17.04.2012 йилдаги 12476/7-сонли ижро ҳужжатига асосан Янгийўл тумани, Чарикова кўчаси, 18-уй "2503-Автожамланма" УК гаражида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Газ-5327 ГЗСА-950" русумли, д/р 11АО894, 1983 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 6 667 354,37 сўм. 2. "Газ-5327 ГЗСА-3702" русумли, д/р 11АО775, 1990 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 4 578 971,91 сўм. 3. "Газ-5327 ГЗСА-950" русумли, д/р 10/685МАА, 1985 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 4 477 000 сўм. 4. "Газ-5307 ГЗСА-950" русумли, д/р 10/687МАА, 1985 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 4 477 000 сўм. 5. "Газ-5327 ГЗСА-37211" русумли, д/р 11АО772, 1984 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 4 466 000 сўм. 6. "Газ-5327 ГЗСА-891" русумли, д/р 11АО909, 1990 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 4 594 000 сўм. 7. "Газ-5327 А-130" русумли, д/р 11АО995, 1987 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 5 242 000 сўм. 8. "Зил-431610" русумли, д/р 11АС364, 1988 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 9 862 000 сўм. 9. "Камаз-55118" русумли, д/р 10/448SАА, 1992 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 18 583 000 сўм. 10. "Камаз-55118" русумли, д/р 10/673МАА, 1992 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 17 031 000 сўм. 11. "Камаз-55118" русумли, д/р 11АО718, 1989 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 17 308 000 сўм. 12. "Камаз-55111" русумли, д/р 11АО862, 1990 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 19 046 000 сўм. 13. "Камаз-55118" русумли, д/р 11АО732, 1988 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 15 243 000 сўм. 14. "Уаз-4696" русумли, д/р 11АВ574, 1981 йил и/ч. Бошланғич баҳоси – 4 147 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 7 май куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 3 май куни соат 18:00. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лидаги 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт.

*Изоҳ:* /р – давлат рақами, и/ч – ишлаб чиқарилган. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

**Гувоҳнома № 006231.**

## "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 2013-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. 1988 й. и/ч. "Камаз-5410", д/р. 11 AT 295. Бошланғич баҳоси – 17 553 000 сўм. 2. 1987 й. и/ч. "Кавз-3270", д/р. 11 ABV 701. Бошланғич баҳоси – 8 835 000 сўм. 3. 1995 й. и/ч. "Газ 31029", д/р. 11 AF 140. Бошланғич баҳоси – 3 359 000 сўм. 4. 1996 й. и/ч. "Газ 31029", д/р. 11 AF 141. Бошланғич баҳоси – 3 514 000 сўм. 5. 1994 й. и/ч. "Газ 31029", д/р. 11 AF 140. Бошланғич баҳоси – 3 359 000 сўм. 6. 1987 й. и/ч. "Зил-130-431410", д/р. 11 AT 294. Бошланғич баҳоси – 8 712 000 сўм. 7. 1988 й. и/ч. "Кран ЖДЗ" русумли ИНВ 7387, КЖДЭ-16, П-6969 бўлган темир йўл крани. Бошланғич баҳоси – 17 553 000 сўм. Чирчиқ шаҳар "Чирчиққишлоқмаш" заводида сақланмоқда. 8. № 929-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. "Ваз 2106", д/р. 10 R 354 BA. Бошланғич баҳоси – 4 129 326 сўм. 9. № 4601-сонли ижро ҳужжатига асосан "Шевралет Корсика", д/р. 01 U 049 DA. Бошланғич баҳоси – 3 200 456 сўм. Чирчиқ шаҳар ИИББ ЙПХ жарима майдончасида сақланмоқда. 10. № 4160-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. "Москвич-412", д/р. 11 T 5619. Бошланғич баҳоси – 658 987 сўм. "Зеромиллер" МЧЖда сақланмоқда. Олмазор тумани СИБ томонидан: 11. 12.06.2012 й. № 19628/17-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. "Ваз 2103", д/р. 30 E 5742. Бошланғич баҳоси – 2 105 904,91 сўм. 12. 03.11.2012 й. № 37667-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. "Тойота Прадо", д/р. 30 S 2322. Бошланғич баҳоси – 90 250 000 сўм. "Себзор" жарима майдончасида сақланмоқда. Бектемир тумани СИБ томонидан: 13. 09.10.2012 й. № 8094/4-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и/ч. "Мерседес Бенц-180 E", д/р. 01 C 770 AA. Бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 2 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Бектемир тумани СИБ томонидан: 14. 22.01.2013 й. № 404/3-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и/ч. "Нексия Донс-150", д/р. 01 X 036 KA. Бошланғич баҳоси – 32 691 900 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан: 15. 13.12.2012 й. № 24656-58/22-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 33-А уйда жойлашган мол-мулклар. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. 16. 13.12.2012 й. № 24656-58/22-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Навоий кўчасида жойлашган пиво ишлаб чиқариш ускунаси. Бошланғич баҳоси – 375 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 17 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар 2013 йил 17 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситалари ва мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 3 июнь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Гувоҳнома № 004593.**

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини давлат статистика тизимидаги 1-KB shakli, 1-KB shakliga ilova (АКТ), 2-turizm shakli, 1-АКТ shakli, 1-bozor shakli ва 1-invest shakliga ilova чораклик давлат статистика ҳисоботларини 2013 йил 25 апрел кунидан кечиктирмаслигингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2011 йилнинг 1 февралидан бошлаб, Давлат статистика қўмитаси расмий сайти (www.stat.uz)да электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда йиғиш Тизими фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда, корхона ва ташкилотларга қуйидаги давлат статистика ҳисоботлари шаклларини Интернет тармоғи орқали электрон кўринишда тақдим этиш имконияти яратилган:

1-narx shakli "Ишлаб чиқарувчиларни саноат товарлари нархлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик);

2-narx shakli "Саноат корхонасининг харид қилинган моддий ресурслари ўртача нархлари тўғрисида ҳисоботи" (ойлик);

3-narx shakli "Автомобил транспорти корхоналарида юк ташиш таърифлари тўғрисида ҳисобот" (ойлик);

4-narx shakli "Темир йўл транспортида юк ташиш тарифлари тўғрисида ҳисобот" (ойлик);

5-narx shakli "Ҳаво транспортида юк ташиш тарифлари тўғрисида ҳисобот" (ойлик);

6-narx shakli "Қувур йўли транспортида юк ташиш (узатиш) тарифлари тўғрисида ҳисобот" (ойлик);

7-narx shakli "Алоқа хизмати таърифлари тўғрисида ҳисобот" (ойлик);

8-narx shakli "Харид қилинган асосий қурилиш материаллари, қисмлар ва конструкциялар нархлари тўғрисида ҳисобот" (ойлик).

1-moliya shakli "Корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ҳисобот" (чораклик);

3-moliya shakli "Корхонанинг ҳаражатлари тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-TIF shakli "Хизматлар экспорти-импорти тўғрисида ҳисобот" (ойлик).

1-S shakli "Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисобот" (ойлик).

1-S shakliga ilova "Саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурсларни олишга шартномалар тузишининг бориши юзасидан сўров" (йилда 2 марта – февраль, декабрь).

1-S shakliga 1-ilova "Кооперация биржасида тузилган шартномалар доирасида 2013 йилда тайёр маҳсулот, бутловчи қисм ва материаллар етказиб берилишининг бориши тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-MDS shakli "Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

2-paxta shakli "Пахта хом-ашёсини қайта ишлаш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

2-qurilish shakli "Қурилиш ишларини бажарилиши тўғрисида ҳисобот" (ойлик).

1-ID shakli "Инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-qurilish shakli "Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-qurilish shakliga ilova "Ижтимоий соҳанинг айрим объектларини ишга тушириш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

4-qurilish shakli "Жисмоний шахслар томонидан объектлар қурилиши тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-invest shakliga ilova "Ўзбекистон Республикасига хориждан киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

2-invest shakli "Номолиявий активларга инвестициялар тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-QX shakli "Қишлоқ хўжалик корхонаси фаолияти тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-FX shakli "Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот" (йилда 2 марта).

1-paxta shakli "Пахта хом-ашёси хариди тўғрисида ҳисобот" (йилда 3 марта).

1-don shakli "Дон хариди тўғрисида ҳисобот" (йилда 3 марта).

1-pilla shakli "Пилла хариди тўғрисида ҳисобот" (йилда 2 марта).

1-DX shakli "Деҳқон хўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисобот" (йилда 2 марта).

1-geo shakli "Геология-қидирув ишларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-savdo shakli "Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида ҳисобот" (ойлик).

1-bozor shakli "Бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва моллари сотиш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-birja shakli "Биржа фаолияти тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

2-xizmat shakli "Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар тўғрисида ҳисобот" (ойлик).

1-xizmat shakli "Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-transport shakli "Қатнов турлари бўйича автомобил транспорт хизмати тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

2-transport shakli "Автомобил транспортида йўловчилар ва юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

3-transport shakli "Автомобил транспортида халқаро юк ташишлар тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

7-transport shakli "Трамвай, метрополитен, троллейбус транспорти тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

9-transport shakli "Қувур йўли транспорти фаолияти тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-АКТ shakli "Ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-aloqa shakli "Алоқа воситалари ва хизматлари тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-turizm shakli "Ўзбекистон Республикасига келган ва кетган шахслар сони тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

2-turizm shakli "Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида ҳисобот" (чораклик).

1-mehnat shakli "Меҳнат тўғрисида ҳисобот" (чораклик);

1-mehnat shakliga ilova (BX) "Бошқарув органи ходимлари сони тўғрисида ҳисобот" (чораклик);

1-KB shakli "Кичик корхонанинг ҳисоботи" (чораклик);

1-KB shakliga ilova (АКТ) "Ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида ҳисоботи" (чораклик).

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

*2013 ЙИЛДА ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!*

*2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!*

- *Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;*
- *Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;*
- *Замонавий дизайндаги уйлар;*
- *Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;*
- *Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга;*



- *Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.*

*Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!*

- *Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;*
- *Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади;*
- *Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.*



*Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!*

- *Омонатингизни кўпайтириш имконияти;*
- *Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;*
- *Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;*
- *Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;*
- *Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.*



*Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!*

- *Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;*
- *Бир йиллик сифат кафолати;*
- *Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.*



*Марҳамат, мурожаат қилинг:*

- *Туман ёки вилоят ҳокимликларига;*
- *Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;*
- *"Камолот" ЁИҲ бўлинмаларига;*
- *Хотин-қизлар қўмиталарига;*
- *"Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;*
- *"Қишлоқ қурилиш инвест" филиалларига.*

*100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36*
*Тел.: (+998 71) 150-93-39*
*Факс: (+998 71) 150-39-93*
*www.qqb.uz*
*e-mail: headoffice@qqb.uz*

## ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 февралдаги 53-сонли қарорига асосан, 2013 йилнинг 24-25 апрель кунлари "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг "Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси Республика Маркази" ОАЖ павильонида (Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй) Тошкент вилоятининг Ҳудудий саноат ярмаркаси ўтказилади.

Мазкур ярмаркада вилоятдаги саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Шу муносабат билан Сизларни корхоналар, тадбиркорлар ва савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш учун Ҳудудий саноат ярмаркасига лутфан таклиф этамиз. Маълумот учун телефон: 233-66-11.

---

Учтепа туман ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "ALPS PROF MASTER" (СТИР 301790544) хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгаришини, шунингдек, "ALPS PROF MASTER" МЧЖ "ALPS PROF MASTER" ХКнинг хуқуқий ворисига айланишини маълум қилади. Маълумот учун тел.: (+99890) 175-42-24.

---

Оҳангарон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан "STAR ALFA PROGGRES" МЧЖга 2012 йил 13 августда берилган 1323-244-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ООО "FASHION-JEWELLERY" (ИНН 207143136), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията г. Алмалыка за реестр. № 2643 от 10.02.2012г., расположенное по адресу: г. Алмалык, ул. Сунбула-13, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол общего собрания № 1 от 28.02.13г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

---

Утерянный "Masofaviy malaka oshirish sertifikati" № 5977, выданный в 2011 году Фармацевтическим институтом г. Ташкента на имя Захидовой Адины Махмудовны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

Утерянную зачетную книжку, выданную в 2009 году Ташкентским Государственным Техническим университетом им. А. Беруний на имя Карабаева Ерлана Навидуллаевича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

ООО "CHOSHTEPA SAVDO PLUS" (ИНН 205259292, ОКПО 19816187. Адрес:: ул. Чоштепа, дом-31), зарегистрированное в ИРСП Сергелийского района г. Ташкента за реестровым № 000342-06 от 02.11.2004г., сообщает об уменьшении уставного фонда с 148 464 858 сум на 72 407 127 сум.

Претензии принимаются в течение трех месяцев по тел.: 343-33-33.

---

Ранее опубликованное объявление в газете "Тошкент оқшоми" № 218 (12.279) от 2 ноября 2012 года о ликвидации ООО "SAYRAK QUALITY BUILDING", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ** в связи с возобновлением деятельности.

---

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Эгамова Наргиза номига 2012 йил 25 августда берилган реестр тартиб рақами 271 № 1779 бўлган гувоҳнома (патент), думалоқ мухр ҳамда тўтрбурчак штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 5 майда № 4404 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган "ALVIERO" қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятига тегишли бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 06.10.2011 йилда №1009051 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Алексеев Игорь Борисовичга тегишли бир дона думалоқ мухр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ЧП "SHUKUROV DILSHOD BIZNES" (ИНН 302482364), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Проектная Г-44, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя от 16.04.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 177-11-53.

Қарор ва ижро

# ШАРҚОНА МЕҲМОНДЎСТЛИК РАМЗИ

**Баҳор одамни изланиш ва янгиликларга илҳомлантиради. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтган "Кабоб байрами" фестивалида бўлган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.**



Байрам тадбири ўтказилган форель балиқлари етиштириладиган "Хон балиқ" хўжалиги кўпчиликка яхши маълум. Негаки, балиқ ови ихлосмандлари ва ўзбек ошхонасининг тансиқ таомларидан баҳраманд бўлишни истаганлар кўпроқ шу ерга келади. Бу ердаги турли хил балиқларга тўла катта сунъий ҳовуз кишига ҳузур бағишлайди, мусаффо тоғ ҳавоси эса иштаҳани очади.

Ҳовуз ёқасидаги бўйчан тераклар соясида жойлашган сўриларни байрам иштирокчилари ва меҳмонлари банд этган. Тадбир Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган "Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Фестиваль иштирокчилари орасида пойтахтимиз ресторанларининг энг моҳир пазандалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва оддий овқат пишириш ишқибозлари бор. Уларнинг барчаси бу ерда энг мазали кабобни тез пишириш бўйича мусобақалашиш учун тўпланган.

Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси Акбар Умаровдан нима сабабдан айнан ушбу таом танлангани сўралганида, у миллий таомларимизнинг асосини гўшт ташкил этишини айтди. Кабоб мамлакатимиз миллий таоми бўлса-да, уни дунёнинг кўплаб давлатларида тайёрлашади ва хуш кўришади. Мазкур фестиваль ўзбек ошпазлари учун ўз пазандалик санъатини намойиш этиш, ўзаро тажриба алмашиш ва касб маҳоратини ошириш йўлида янгиликлардан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Фестивалда ўн беш жамоа иштирок этди ва улар муайян вақт ичида турли хил гўштлардан кабоб тайёрлаш бўйича мусобақалашди. Ҳар бир иштирокчи ўзи учун ажратилган майдонда ресторан стенди, маҳсулот тайёрлаш учун стол ҳамда манқални жойлаштирди.

– Шундай йирик фестивалда иштирок этганимдан хурсандман, – дейди Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи битирувчиси Муҳаммадали Усанов. – Моҳир ошпаз бўлган бобомнинг касбини эгаллашни орзу қилардим. Болалигимда бобом билан кабоб тайёрлаган пайтларимизда уни пишириш сирларини ўргатган эди. Бугун ушбу фестивалда бошқа ошпазлар билан мазкур таомни тайёрлаш рецептидан фойдаланиш ва ўз пазандалик сирларимни ҳаётга татбиқ этиш имконига эга бўлдим.

Танлов уч босқич – анъанавий ва ноанъанавий кабоб турларини тайёрлаш ҳамда Гран-при мусобақаларидан иборат бўлди. Анъанавий турдаги кабоб парранда, қўй ва мол гўшти, балиқдан тайёрланди. Ноанъанавий турдаги кабобларни тайёрлашда турли мева-сабзавотлар ишлатилди. Учинчи босқичда ошпазларга ўзига хос ноёб таом тайёрлаш учун муайян маҳсулотлар тақдим этилди.

Кабоб тайёрлаш жараёнида иштирокчилар таомни катта ҳис-ҳаяжон ва меҳр билан тайёрлаганини таъкидлаш жоиз. Уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида рецепти асосида биттадан таом пиширди. Масалан, ошпазлардан бири кабоб учун қайлага қулупнай қўшса, иккинчиси гўштдан тайёрланган стейкни қовурилган майда қисқичбақалар билан безади. Атрофига кўкатлар, мева-сабзавотлар моҳирлик билан териб чиқилди. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини яқинда тамомлаган ёш ошпазлар томонидан кабоб сихида айлантириб пиширилган қўзи гўшти меҳмонлар ва ҳакамларда катта таассурот қолдирди.

– Тадбирда иштирокчилар томонидан тайёрланган барча таомлардан татиб кўрдим, – дейди франциялик халқаро тоифадаги моҳир ошпаз, "Кабоб байрами" ҳакамлар ҳайъати аъзоси Альберт Дюбала. – Уни таъмига қараб, маҳоратли ошпаз ёки коллеж битирувчиси тайёрлаганини аниқлаш қийин эди. Ёш ошпазларнинг таомни безаши ва ўзининг пазандалик маҳоратини намойиш этиши мени ҳайратга солди. Бу улар пухта билим олаётгани ва зарур касб кўникмаларига эга бўлаётганидан далолатдир.

"Кабоб байрами" фестивали ғолибларига қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди. Ёшлар ўртасида анъанавий кабобларни тайёрлашда Дониёр Нормуҳамедов ва Ҳожиакбар Ҳикматов, моҳир ошпазлар баҳсида эса "China town" ресторани биринчи ўринга сазовор бўлди. Ноанъанавий турдаги кабобларни тайёрлашда эса ёшлар ўртасида Босит Зиёдов ва Андрей Сиротин, моҳир ошпазлар ўртасида эса "Golden hill" ресторани ғолиб чиқди. Ёшлар ўртасида Маҳаммадюсуф Тўхтасинов ва "China town" ресторани Гран-прига сазовор бўлди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

XXI аср ва дунё

## СУДЬЯ ЎЗИГА ЖАРИМА СОЛДИ

**АҚШнинг Мичиган штатидаги Иония округи судьяси Раймонд Воут суд тинглови бораётган пайтда қўл телефони жиринглаб қолгани учун ўзига жарима солди деб хабар тарқатди маҳаллий Sentinel-Standard нашри.**

Маълум қилинишича, суд мажлиси давом этиб, прокурор сўзлаётган чоғда судьянинг қўл телефони баланд товушда гапириб юборди. Гап шундаки, Воут янги, ҳар томонлама мукаммаллаштирилган смартфон телефонини сотиб олгач, уни бошқариш тартибини яхши ўзлаштиролмагани сабабли шундоқ қолдирган эди. Юз берган ҳол эса, суд мажлисининг бироз муддат тўхтаб қолишига олиб келди.

Айтишларича, Воут бутун фаолияти давомида суд мажлиси пайтида жиринглаган қўл телефони эгаларига нисбатан қаттиққўллик билан муносабатда бўлиб келган. Шу боис, ўзини ҳам судга нисбатан ҳурматсизликда айблаб, жарима солган ва 25 долларни шу заҳотиёқ кассага тўлаган.

Воут ўзининг бу саъй-ҳаракатини шарҳлаб, шундай дейди: "Мен судья сифатида қонунларни ҳурмат қилиш борасида бошқаларга ўрнак бўлишим керак. Агар ўрнатган тартиб-қоидаларга ўзим амал қилмасам, уларни ўрнатишга ҳам ҳаққим йўқ".

## ЎТТИЗ ТЎРТ КИШИ ПОРТЛАШ ҚУРБОНИ

**Сомали пойтахти Магадишода ўтган якшанба куни содир этилган террорчилик ҳаракати туфайли 34 киши ҳалок бўлиб, бир неча ўнлаб бегуноҳ одамлар жароҳатланди.**



AFP агентлигининг ёзишича, Магадишо суди жойлашган ҳудудда қатор портлашлар юз берди. Ушбу хунрезликни "Ал-Шабаб" радикал ислом гуруҳи ўз зиммасига олди. Гуруҳ вакилининг сўзларига кўра, ушбу қўпорувчилик суд биносида ҳозир бўлган динсизларга қарши қаратилган эди.

Мамлакат ички ишлар вазирлиги берган хабарда тўққиз жангари – олти камикадзе ҳамда хавфсизлик органлари ходимлари билан отишув чоғида яна уч киши ўлдирилгани айтилди. Reutersнинг маълум қилишича, жангарилар етти киши бўлиб, улар ҳукумат қўшинлари кийимида эканлар.

Тахминан шу вақтнинг ўзида Магадишо аэропорти ёнида ҳам портлашлар содир этилган. Автомобилга жойланган портловчи модда ҳаракатга келтирилгач, беш киши, жумладан, икки Туркия фуқароси ҳалок бўлган.

Сомалидаги фуқаролар уруши собиқ диктатор Муҳаммад Саид Барре қулатилган 1991 йилдан бери давом этмоқда. "Ал-Шабаб" ҳокимият учун курашаётган гуруҳлардан биридир.

## МОНАРХИЯГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

**Ўтган якшанба куни Мадрид шаҳрида монархияга қарши ўтказилган намойишда бир неча минг киши иштирок этганлиги ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**




Ушбу намойиш Испания Республикасига асос солинганининг 82 йиллигига бағишланди. Тарихдан маълумки, 1931 йил 14 апрелда Испания Республика дея эълон қилинган бўлиб, 1939 йилда диктатор Франсиско Франко томонидан бекор қилинганди.

Намойишчилар Мадриднинг марказий кўчаларида республика байроқларини силкитиб, мамлакатда монархияга барҳам бериш учун референдум ўтказишни талаб қилдилар.

Кейинги вақтда Испания қироллиги сулоласининг обрў ва нуфузи кескин пасайиб, 54 фоизга тушиб қолди. Бу кейинги 1,5 йил ичида кучайиб бораётган коррупцияга оид жанжаллар билан ҳам боғлиқдир. Гап шундаки, қирол Хуан Карлос I нинг кичик қизи малика Кристина коррупция, фирибгарлик ва жамоат маблағларини талон-торож қилиш бўйича суддан чақирув қоғози олди. Аслида бу ишда маликанинг эри Иньяки Урдангарин асосий айбдордир. Уни 2004-2006 йилларда "Ноос" хайрия жамғармаси раҳбари бўлган пайтда шериклари билан пул ўмариш ва бошқа молиявий алдам-қалдамликлар билан шуғулланганликда айбламоқда. Терговнинг тахминига қараганда, у ҳамтовоқлари билан бирга 6,4 миллион доллар маблағни ўғирлаган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Спорт

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ – ШОҲСУПАДА

*"Туркистон" санъат саройида тош кўтариш бўйича жаҳон чемпионати қизғин давом этмоқда*



Ўндан зиёд давлатдан 200 нафарга яқин спортчи иштирок этаётган мусобақанинг 60 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида ҳамюртимиз Аваз Ўрмонов учинчи ўринни эгаллади. Украина, Беларусь, Италия ва Қозоғистон спортчилари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Мазкур вазнда хотин-қизлар ўртасида ҳамюртимиз Муҳтарам Алиева 16 килограммлик тошни 75 марта кўтариб, бронза медални қўлга киритди.

Шунингдек, россиялик Екатерина Лекомцева, Екатерина Гарина, украиналик Любовь Черепаха ва қозоғистонлик Светлана Юзук совринли ўринларни қўлга киритди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Биласизми?

## ЯНГИЧА ТЕСТ

Исроиллик ва хитойлик бир гуруҳ олимлар янгича ташҳис қўйиш тестини ишлаб чиқдилар. Унга кўра, ошқозон саратони касаллигини кишининг нафас олишига қараб 90 фоиз аниқликда белгилаш мумкин. Ушбу тест касалликни қисқа муддатда аниқлаш билан бирга беморни тез ва самарали даволаш имконини ошириши сабабли муҳимдир.

## ГЎЗАЛЛИК УЧУН «ТЎЛОВ»

Ботокс (ажинлар билинмаслиги учун мушакларга дори юбориш) инъекциялари кўз гавҳарини жиддий шикастлаши мумкин. Исроил офтальмология шифохонасида юз мушакларига юборилган ботокслар оқибатида диплопия (бир нарсанинг иккита бўлиб кўриниши) касаллиги кетма-кет уч бора қайд этилди. Текширувлар бу касаллик ботокс юборилган мушаклар заифлашгани сабабли содир бўлганини кўрсатди.

Рассом хандаси




caricatura.ru

Жиноятга жазо муқаррар

# СИЙЛАГАННИ СИГИР БИЛМАС...

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг халқимизнинг неча ўн йиллар давомида топталган қадриятлари, дини, миллий урф-одатлари яна қад ростлади.

Бир пайтлар эркин ибодат қилиш у ёқда турсин давлат муассасаларида хизмат қилувчилар, ҳатто ўз ота-оналарининг жанозаларида қатнашишлари тақиқлаб қўйилганининг ўзиёқ мустақиллик бизга нақадар бебаҳо неъматлигини англашимизга етарли далил бўла олади.

Бугун ўзбек халқининг асл қиёфаси янгидан юз очди. У амалга ошираётган маънавий-маданий ишларга жаҳон тан бераяпти.

Энг асосийси, бугун мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги тўла таъминланган. Бир пайтлар бутун мамлакатда бор-йўғи бир нечта масжид фаолият юритган бўлса, айни кунга келиб, улар икки ярим мингдан ошди. Бошқа дин вакиллари учун ҳам бундан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратилмоқда. Турли конфенция ва диний ташкилотлар эркин фаолият юритаяпти.

Муҳими, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси эмин-эркин ибодат қилаяпти, диний байрамларини нишонлаяпти.

Ҳукуматимиз муқаддас Ислом дини арконларидан ҳисобланмиш Ҳайит байрамларини дам олиш кунлари деб қонуний белгилаб қўйганининг ўзи ҳар қандай саволга жавоб бўлиши мумкин.

Минг афсуски, шу имконият ва шарт-шароитларни суиистеъмол қилиб, ноқонуний йўлни танлаб, ўз бошини ғалвада қолдираётганлар ҳам учраб турибди.

Халқимизда "Сийлаганни сигир билмас, сийпаганни ҳўкиз сезмас" деган мақол бор. Бир тарафдан қараганда бунинг замирида ҳеч қандай маъно йўқдек, аммо, бироз мушоҳада қилинса, мақол бежиз айтилмаганига амин бўламиз.

2012 йилнинг 22 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман суди кўрган ишдаги айбланувчиларга нисбатан юқоридаги мақолни бемалол қўллаш мумкин.

Судланувчи Ғайрат Ҳусанов, Шуҳрат Юнусов, Ботир Икромов, Алишер Раҳимбоев, Отабек Орипов, Музаффар Мирaлиев, Фазлиддин Муҳамедов, Ҳасан Абдиев, Дилшод Салимовнинг энг ёши 35, катталари эса 40 дан ўтган. Инсон бу ёшда ақл-ҳушини йиғиштириб олиши, ҳар бир қадамини ўйлаб босиб, фарзандлари камоли, уларнинг келажаги йўлида ҳалол ишлаб, тинч-хотиржам умргузаронлик қилишга интилиши керак. Улар эса бунинг аксини маъқул кўришди.

Ғайрат Ҳусанов юқоридаги судланувчилардан иборат ноқонуний диний жамоага раҳбар эди. Улар иштирокида турли йиғинлар ўтказилар, халқ тили билан айтганда "чала муллалар" диндан дарс беришарди. Гўёки дин таълимотини ўргатишар, аслида эса иштирокчилар онгига аста-секин бузғунчи ғоялар сингдирилиб, жиҳод ҳақидаги қарашлар кенг тарғиб этиларди.



Энг ачинарлиси, шундай ғаразли мақсадни кўзлаган ғоялар битилган турли адабиётлар, дисклар гуруҳ аъзолари қўлида айланарди. Улар ўз фаолиятлари ноқонуний эканини билсаларда, бу йўлдан қайтишмасди.

Гуруҳ кўпинча йиғинларни жамоа аъзолари хонадонларида ўтказар, улардан ҳеч бир кимса шубҳаланишига имконият беришмасди. Гўёки атрофдагиларда гап-гаштакка йиғилган улфатлар, деган тасаввур уйғотишарди.

Секин-аста гуруҳ аъзолари қонуний тарзда ишлаётган масжид имомлари билан масала талашадиган, ўзларининг фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладиган бўлишди. Шунда атрофдагилар сергак тортишди.

Махсус тадбир давомида вилоят ички ишлар ходимлари Ғайрат Ҳусановнинг уйини тинтувдан ўтказишганда ақидапарастлик ғоялари илгари сурилган диск топилган. Ашёвий далил сифатида олинган диск экспертиза орқали текширилганда, унда Абдували Мирзаев деган кимсанинг бузғунчи ғояларга асосланган маърузалари тўплангани аниқланган.

Маълум бўлишича, ушбу диск гуруҳ аъзолари қўлида обдон айланган. Уларнинг кейинги мақсадлари дискни кўпайтириб, кенг тарқатиш бўлган.

Суд жараёнларини кузатиб, судланувчиларнинг берган кўрсатмаларини тингласангиз улар ўзларини динни ўрганиш мақсадида гуруҳга қўшилганларини айтишади.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўринг. Диний таълим олиш учун мамлакатимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар бўлгани ҳолда нима учун улар яширинча билим эгаллаш ҳаракатига тушиб қолишди?

Айби борнинг оёғи қалтирайди, деганларидек ушбу гуруҳ аъзолари ўзлари қилаётган ишлар, илгари сураётган ғоялар Ўзбекистоннинг хавфсизлигига раҳна солишини, турли нифоқ ва келишмовчиликларга сабаб бўлишини жуда яхши билишган. Шунинг учун ҳам яширин тарзда турли йиғинлар ўтказиб келишган.

Хўш, агар ҳуқуқ-тартибот идоралари бу ноқонуний диний гуруҳ фаолиятига чек қўймаганида нималар бўлиши мумкин эди? Бунинг учун эса ўтган йилларда Ўзбекистонда содир этилган хунрезликлар, экстремистик хатти-ҳаракатларни эслашнинг ўзи кифоя.

Шу ўринда кишини яна бир мулоҳаза ўйлантириб қўяди. Ислом – яхшилик, эзгулик дини. У дунёга одамлар орасига нифоқ солиш, кишилик жамиятини чок-чокидан ситиб юбориш учун келмаган. Аксинча, кишилар бошини қовуштириш, яхшиликлар сари чорлаш, улар ўртасида бағрикенгликка кенг йўл очишни тарғиб этувчи диндир.

Айни пайтда ўз қарашларини сингдиришга уринаётган турли оқим ва гуруҳлар динни мустаҳкамлаш эмас, аксинча унинг таназзулига сабаб бўлади. Икки ўртада диний қарама-қаршиликлар вужудга келаяпти. Бунинг ортидан эса қанчадан-қанча қирғинбаротлар туфайли минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмаяпти.

Агар юртимизда юқоридаги каби яширинча фаолият юритувчи гуруҳларга беэътибор бўлсак, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни ўз қўлимиз билан барбод қилишимиз, фаровон турмушимизни дўзахга айлантиришимиз ҳеч гап эмас.

**С. РАИМОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6901. Адади 13 997. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30.